

**БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ШАРОИТИДА ДАВЛАТ БУДЖЕТИ  
ДАРОМАДЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7838900>

**Тошанов Шухрат Жонтемир ўғли**

*Иқтисодиёт ( Тармоқлар ва соҳалар бўйича )” мутахассислиги магистранти  
Илмий раҳбари: Бекмуродов Нурали*

**Аннотация:** Уибу мақолада мамлакатимизда даромадларни бюджетлараро оқилона тақсимлаш йўллари, хусусан солиқларни бюджетлараро тақсимлаш ва бюджет даромадларини мақсадли тарсферлар шаклида тақсимлаш ёллари ёритилган.

**Калит сўзлар:** даромад, бюджетлараро муносабат, солиқ, субвенсиялар, ўтказиб бериладиган даромадлар, дотация, бюджетлараро ўзаро ҳисоб-китоблар, мақсадли ижтимоий трансферлар.

Мамлакатимизда еркин бозор муносабатларини юзага келиши ва бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш жараёнида, рақобатнинг кучайиб бориши давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантиришга бўлган янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқишни тақозо етмоқда. Республикаимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг янги босқичида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш ва макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида давлат молияси тизимини мазмун ва сифат жиҳатдан замон талаблари асосида такомиллаштириш зарурати келиб чиқмоқда.

Маҳаллий бюджетлар маҳаллий ҳокимликларни ўз вазифаларини амалга оширишда молиявий дастак ҳисобланиб, уларнинг молиявий мустақиллиги ушбу ҳудудларни ривожлантиришга бевосита таъсир кўрсатади. Ҳудудларни ривожлантириш борасида фикр юрита туриб, Ўзбекистон Республикаси Президенти СҲ.М.Мирзиёев “ҳудудларни барқарор ижтимоий-иктисодий ривожлантиришни молиялаштириш учун маҳаллий бюджетларнинг маблағлари йетарли емас” дея таъкидладилар [1].

Маҳаллий бюджетларнинг мустақиллигини ошириш ва даромад базасини мустаҳкамлаш, қўшимча даромад манбаларини аниқлаш, шунингдек, ижтимоий лойихаларни амалга ошириш учун қўшимча манбаларни жалб етиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар Давлат бюджети параметрларининг ижро етилишига ижобий таъсир кўрсатди. Бугунги кунда ҳудудларнинг реал имкониятларидан келиб чиқиб, йечимини қутаётган мавжуд муаммоларни ва жойлардаги ишларнинг ҳақиқий холатини ўрганган холда ишлаб чиқилган келгуси йил мамлакатнинг асосий

макроиктисодий кўрсаткичлари прогнозлари, бюджет даромадлари ва харажатлари параметрлари, уларни бюджетларарабо тақсимлашга алоҳида еътибор қаратилмокда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Давлат бюджети даромадларини бюджетларарабо тақсимлаш, маҳаллий бюджетларни самарали бошқариш масалалари хорижлик олимлардан Е.А.Морозова, Й.Н.Любимсев, О.Г.Бежаев, Х.В.Боговларнинг илмий ишларида ўрганилган[2-5].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджет даромадларини шакллантириш, уларни бюджетларарабо тақсимлаш усуллари, маҳаллий бюджетларнинг ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришдаги аҳамияти республикамиз иктисодчи олимларидан Т.Маликов, Н.Хайдаров, Ш.Тошматов, А.Жўраев, Қ.Усмонов А.Исломқуловларнинг ишларида ёритилган[6-10].

Шундай бўлишига қарамасдан, бюджет даромадларини бюджетларарабо тақсимлаш механизми масаласи юқоридаги иктисодчи-олимларнинг илмий изланишларида маҳсус мустақил тадқиқот обьекти сифатида таҳлил етилмаган.

**Таҳлиллар ва натижалар**

Давлат бюджети даромадлари ўзларининг манбалари, ижтимоий-иктисодий характеристи, мулкчилик шакли, солиқ ва тўловларнинг тури, маблағларнинг тушиш шакли, уларни бюджеттага ундириш методлари ва ҳоказоларга мувофиқ таснифланиши (классификация қилиниши) мумкин.

Солиқлар бюджет даромадларини салмоқли қисмини ташкил етар екан, уларни бюджетлар ўртасида тақсимланиши ҳақида иктисодчи олимларнинг фикрларини кўриб ўтамиз.

Профессор Ш.А.Тошматов, маҳаллий бюджеттага солиқ тушумларини оширишга йўналтирилган бир қатор тадбирларни келтириб, унда солиқларни турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимлаш тизимини маҳаллий ҳокимиятларнинг солиқ тушумларини максималлаштиришдан манфаатдорлигини таъминлаш контекстидаги такомиллаштириш бўйича фикр мулоҳазаларни бериб ўтади. Шунингдек, худудий солиқ салоҳиятни баҳолаш ва маҳаллий солиқларни ундириш механизмини такомиллаштириш зарурлигини илгари суради[7].

А.Х.Исламқулов республикамизда давлат бюджети даромадлари барқарорлиги, турли даражадаги бюджет даромадлари мутаносиблигини таъминлаш мақсадида марказий ва маҳаллий давлат ҳокимиятларининг молия-бюджет, бюджет-солиқ соҳаларида ваколатларини аниқ белгилаб олиш лозимлигини таъкидлайди. Бунда муаллиф бюджет тизимининг бўғинлари ўртасида даромад ваколатлари ва харажат мажбуриятларини оптималь тақсимлаш тизимини маҳаллий бюджетлар барқарорлигини таъминлаш горизонтида амалга оширишни илгари суради[[8]].

Қ.А.Усмонов еса, бюджет даромадларини режалаштиришнинг аҳамияти тўғрисида тўхталиб, ҳозирги кунда бюджет даромадларини режалаштириш учун зарур маълумотлар базасини йетарли ва сифатли даражада шакллантириш ҳамда бу борадаги хуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва бюджет даромадларини

режалаштириш жараёни тартиби, усули, муддати ҳамда иштирокчилар вазифаларини аник кўрсатиб берувчи ҳуқукий ҳужжат қабул қилиш лозимлигини илгари суради[9].

Бюджет даромадларини бюджетлараро тақсимлаш натижасида бюджетлараро муносабатлар юзага келади.

Т.Маликов, О.Олимжоновларнинг фикрича “Бюджетлараро муносабатлар – давлат ҳокимият органлари ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ўртасида муносабатлардир” [6].

Республикамизда марказий даражада бюджетлараро муносабатлар тизими нисбатан барқарорлаштирилган бўлса-да, маҳаллий даражадаги бюджетлараро муносабатлар тизимида ечимини кутаётган муаммолар мавжуддир. Айниқса нисбатан иқтисодий салоҳияти юқори бўлган ҳудудларимизда, манзилли бюджет трансфертларига еҳтиёжманд туман ва шаҳарларимизнинг мавжудлиги ушбу соҳадаги ислоҳотларни тизимли равишда кучайтиришни талаб қилмоқда.



#### **1-rasm. Mahalliy byudjetlar daromadlarining tarkibi**


Амалиётда маҳаллий бюджетлари даромадлари ўз даромадлари, бириткирилган даромадлари, тартибга солувчи даромадлари ва молиявий трансфертлардан ташкил топади (1-расм).

Маҳаллий бюджетларнинг ўз даромадларини йетишмаслиги бириткирилган ва тартибга солувчи даромадлардан фойдаланишга сабаб бўлади. Маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришда бир бюджетдан бошқа бюджетга муайян мақсадда ёки мақсадни кўрсатмаган ҳолда маблағларнинг ўтказилишини ўзида ифодаловчи бюджетлараро трансфертлар муҳим аҳамиятга ега. Демак, бюджетлараро трансфертлардан фойдаланиш бюджетни тартибга солишнинг асосий мақсади бўлган маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатлари ўртасидаги мувозанатни таъминлашга қаратилган. Хорижий тажрибани ўрганиш бюджет амалиётида умумқабул қилинган иккита усул фаол қўлланилишини кўрсатмоқда. Биринчи усул бюджетнинг ҳар бир даражасига солик солинадиган базаларни бириткириш ёки барча даромадларни сафарбар қилиш ва кейинчалик қўйи бюджетларга тақсимлаш тартибида даромад манбаларини бюджет тизимининг бўғинларига қараб тақсимлашни ўз ичига олади. Иккинчи усул еса бюджет тизими бюджетларининг

юзага келадиган вертикал номутаносибилиги масалаларини ҳал қилишга қаратилган трансферлар шаклида грантлар ажратишни ўз ичига олади.

Бюджет тизими ривожланишининг янги босқичи маҳаллий бюджетларнинг мустақиллигини таъминлаш ва молиявий номарказлаштириш масалаларида маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатларининг кенгайиши билан изоҳланади. 2017 йилдан бошлаб даромадлар базасини мустаҳкамлаш, маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш сиёсати доирасида маҳаллий бюджетларнинг нисбий кўрсаткичлари мутлақ қўрсаткичлар ошгани сайин сезиларли даражада пасая бошлади.

2018-2022 йилларда давлат бюджети даромадининг ўсиш суръатлари маҳаллий бюджетлар даромадларининг ўсиш суръатларидан юқори бўлган. Бундай ҳолат мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат хисобланади (2-расм).



2-rasm. Davlat byudjeti tarkibida mahalliy byudjetlar daromad va xarajatlari ulushining o'zgarishi [10] (foizda)

Таҳлил қилинган даврда маҳаллий бюджетлар даромадларининг давлат бюджети даромадлари таркибидаги улуши 2019 йилда 31,3 фоизни ва 2022 йилда 18,4 фоизни ташкил қилмоқда. Бу ҳолат бир томондан, маҳаллий бюджет даромадларининг харажатларига мутаносиб емаслигини қўрсаца, иккинчи томондан, мамлакатда ижтимоий соҳа тарақкиётiga устувор аҳамият берилаётгандигидан дарак беради. Ўз навбатида, бюджет қонунчилигига кўра, маҳаллий бюджетлар тақчиллик билан молия йилини якунлашига йўл қўйилмайди. Шу муносабат билан молиявий трансферлар орқали маҳаллий бюджетларнинг тақчиллиги қопланиб келинмоқда.

Солиқларнинг бюджет тизими бюджетларига биритирилишида аҳоли сони, зичлиги ва солиқ тўловчилар сони инобатга олинади. Ушбу мезонлар асосида қуйи турувчи бюджетлар даромади харажатларини қоплаш учун йетмаса, шунингдек, республикада ижтимоий неъматларнинг адолатли тақсимланишига еришишда

бюджетлараро мутаносибликни таъминлаш дастакларидан фойдаланилади. Республикада иқтисодий ислоҳотлар натижасида маҳаллий бюджетлар: вилоят ҳамда туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетлари даромад ваколатлари белгилаб берилди. Шундан келиб чиқиб, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ушбу солиқларни тўлиқ ва ўз вақтида тушиши учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиб, улар бўйича ортиқча тушумлар таъминлашидан манфаатдорлиги кучайтирилди.

Умумдавлат солиқларининг (юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, қўшилган қиймат солиғи, аксиз ва б.) бир қисми қонунчиликда белгиланган норматив меъёрлар асосида маҳаллий бюджетларга ўтказилади. Умумдавлат солиқларидан ажратма меъёрларининг ўзгариб туриши маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади. Шу боис, қўшилган қиймат солиғи, даромад солиғи, фойда солиғидан тушумларни улушли тарзда маҳаллий бюджетларда қолдириш мақсаддага мувофиқ бўлади.

Солиқ ваколатларининг хукуматнинг турли бўғинлари ўртасида тақсимланиши бюджетлараро муносабатларни ташкил етишда муҳим ўрин егаллади. Шуни таъкидлаш жоизки, даромадларнинг давлат ҳокимиётининг турли бўғинлари ўртасида тақсимланиши харажат ваколатларини номарказлаштириш тамоилидан келиб чиқади ҳамда мос равишда, ҳудудий ва маҳаллий хукумат органларининг функцияларини кенгайтириш орқали амалага оширилади. Бунда хукуматнинг турли бўғинлари ўртасида солиқли даромадларнинг маълум турларини тўлиқ бириктириб қўйиш билан муаммо ҳал етилмайди. Аксарият ҳолларда, солиқли даромадларни ва солиқ ваоклатларини бириктиришнинг турли схемалари мавжудлиги ва уни татбиқ етиш муаммонинг йечими бўлиши мумкин.

Солиқлар ва тўловларни бюджетлар ўртасида тақсимланиши натижасида маҳаллий ҳокимиёт органлари ўзларининг ваколатлари доирасида маҳаллий солиқ ва йигимларни тушум даражасини ошириш йўли билан даромадлар базасини оширишга манфаати кучайди ва маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини ҳамда йигувчанлик даражасини солиштириш йўли билан маҳаллий ҳокимликларнинг фаолиятини реал баҳолаш имконияти пайдо бўлди. [3]

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг енг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январ. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. - 1046.

2. Морозова Е.А. Муниципальная реформа и межбюджетные отношения в российских регионах // Экономические науки. 2008. № 14(39);

3. Любимцев Ю.Н. Приоритеты совершенствования межбюджетных отношений // Экономист. 2000. № 6. С. 21 — 33.;
4. Бежаев О. Г. Межбюджетные отношения. Теория и практика реформирования. М.,2001, с. 16; Крохина Ю. А. Бюджетное право и российский федерализм. М., 2002, С.221.;
5. Богов Х. М. развитие межбюджетных отношений и предпосылок экономического роста// Финансы и кредит, 28 (268) - 2007.;
6. Молия: Дарслик. Т.С. Маликов, О.О. Олимжонов; / - Т.: “Иқтисод-Молия” 2019. - 800 б.
7. Тошматов Ш.А. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришда давлат бюджети даромадлари манбаларини кенгайтириш йўналишлари .-Т.: ТДИУ, 2017. - 6.27- 28.,
8. Исламкулов А.К. Маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарорлигини таъминлаш масалалари // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, 2016 й.;
9. Усмонов Қ.А. Бюджет даромадларини режалаштириш жараёни, усуслари ва уларни такомиллаштириш йўналишлари // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, 2014 й.;
10. [www.mf.uz](http://www.mf.uz) - Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги расмий сайти маълумотлари